


**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги 261-сон
“Олий таълим муассасаларига ўқишга
қабул қилиш тартибини янада
такомиллаштириш тўғрисида”ги
қарори**

**Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори
1-илоvasи**

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест
синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**



**Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори
2-иловаси**

**Бакалавриятга тест синовларисиз, касбий (ижодий)
имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича
таълим йўналишлари
РЎЙХАТИ**

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори
3-илоvasи

**Ўзбекистон Республикаси олий
таълим муассасаларининг
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш
бўйича амалдаги қонунчиликка
киритилган ўзгартиришлар**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим
муассасаларига ўқишга қабул қилиш,
талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш
ва ўқишдан четлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”
ги қарорига киритилган қўшимча ва
ўзгартиришлар ҳақида**

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори Ўзгартириш киритилган бандлар
3-банд 5-хатбоши (тузатиш киритилди)	Тест синовлари, шунингдек уларни ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.	Тест синовларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори Ўзгартириш киритилган бандлар
13-банд (тузатиш киритилди)	<p>Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 25 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган ораликда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.</p>	<p>Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 20 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган ораликда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.</p>

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори ўзгартириш киритилган бандлар
13-банд (тузатиш киритилди)	Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 26 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.	Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 21 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.
	Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест марказига олий таълим муассасалари томонидан 30 июлгача тақдим этилади.	Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест марказига олий таълим муассасалари томонидан 22 июлгача тақдим этилади.

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори ўзгартириш киритилган бандлар
14-банд (тузатиш киритилди)	Тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимлар учун 1 августда ўтказилади.	Тест синовлари кундузги, махсус сиртқи ва кечки (сменали) таълим шакли учун ҳар йили 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда, қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади.
14-банднинг 2-хат боши тўлдирилди.		Абитуриентларнинг талабаликка тавсия этилган ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган тест синовлари натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори Ўзгартириш киритилган бандлар
15-банд (тузатиш киритилди)	<p>Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовидан ўтадилар.</p> <p>Тест топшириқлари ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.</p> <p>«Журналистика», «Халқаро журналистика» ва «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда (0 билан 75.6 баллгача бўлган ораликда баҳоланувчи) ижодий имтиҳонлар ўтказилади.</p>	<p>Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда бир, икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовидан ўтадилар.</p> <p>Тест топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.</p> <p>«Журналистика», «Халқаро журналистика» ва «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда (0 билан 63 баллгача бўлган ораликда баҳоланувчи) касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.</p> <p>Фанлар мажмуаси Она тили ва адабиёти (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), Математика (информатика билан), Физика, Кимё, Биология, Тарих, География, Чет тили (инглиз, немис, француз тиллари) фанлари бўйича шаклланади.</p>

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори ўзгартириш киритилган бандлар
15-банд (янги киритилди)		<p>Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни қабул жараёнида тақдим этганда олий таълим муассасалари бакалавриатининг кириш тест синовлари фанлар мажмуасига чет тили фани киритилган йўналишларда мос чет тили фанидан белгиланган максимал балл берилади ва улар чет тили фанидан тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон) топширмайди.</p>

№	ЎзР ВМ 393-сон (20.06.2017) қарорида	ЎзР ВМ 261-сон (03.04.2018) қарори Ўзгартириш киритилган бандлар
16-банд (ўзгартирилди)		<p>Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириштест синовлари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.</p>